



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 20 декабрь, № 246 (4656)

Шанба

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ва навоий шахри аҳолисига

Кадрли дўстлар!
Авваламбор, сиз азизларни Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз номини улуғлаб келаётган, мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлиши Навоий шахри ва Ўзбекистон саноатининг фахри бўлган Навоий кон-металлургия комбинати тарихан қисқа даврда ҳар томонлама хурмат ва ифтихорга муносиб шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди, мураккаб синов ва машаққатларни бошидан кечириб, улкан муваффақиятларга эришти ва дунё миқёсида шухрат қозondi.

Бундан ярим аср муқаддам бепойн Қизилқум бағрида қад ростлаган, нафақат республикада, балки жаҳондаги кўплаб мамлакатларда кенг танилган, бугунги кунда ҳам самарали фаолият кўрсатиб келаётган мана шундай қудратли ва кўп тармоқли замонавий ишлаб чиқариш комплекси ва унинг негизда барпо этилган, тобора обод бўлиб бораётган асим Навоий шахри халқимиз бунёдкорлик даҳосининг, юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, янгиликлар ва модернизация жараёнларининг ёрқин намуни сифатида барчани ҳайратда қолдиради.

Ўз тарихида бешта кон бошқармаси ва ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш объекти билан бирлаштирилган ушбу комбинат Учқудук, Зарафшон, Зафаробод ва Нуробод каби шаҳарларнинг ҳам вужудга келиши учун асос бўлди. Бу шаҳарларнинг ҳар бирини чўл қўйнидаги мўъжиза, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайдди. Ҳозирги пайтда бу худудда минглаб ишчи ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Бугунги қувончли кунда биз оғир ва мураккаб иқлим шароитида жонбозлик кўрсатиб, энг замонавий юксак технологияга асосланган ушбу мажмуани бунёд этган, ўзининг ҳалол меҳнати ва маҳорати билан кўп минг кишилик юқори малакали жамоанинг шухратини юксалтиришга катта ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизга, ўз ҳаётини комбинат билан боғлаган барча инсонларга самимий хурмат ва эҳтиромимизни изхор этамиз.

Хурматли дўстлар!
Мустақиллик йилларида тарихий адолатли тиклаб, Навоий вилоятини қайта ташкил этганимиз бу минтақани жадал ривожлантириш, энг муҳими, ана шу савоҳатли заминдан қазиб олинаётган бебаҳо бойликларни эл-юртимиз манфати йўлида ишлатиш борасида янги уфқ ва имкониятларни очиб берди ва бунинг қандай улкан аҳамиятга эга бўлганини ҳаётининг ўзи бугун тасдиқламоқда.

Айниқса, ўттиш давридаги жиддий иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликларга қарамадан, биз Навоий кон-

металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қуввати ва имкониятларини, унинг ноёб кадрлар салоҳиятини наинки сақлаб қолишга, айна пайтда келажақни ўйлаб, уни энг юксак талаблар ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган илғор технологиялар асосида янада барқарор ривожлантиришга эришдик.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли олтиннинг 80 фоизи, уран концентрати ва фосфор ўғитлари учун зарур хом ашёнинг ҳаммаси айнан шу комбинатда тайёрланмоқда. Бугунги кунда дунёдаги нуфузли Лондон ва Токио қимматбаҳо металл биржаларида ўзбек олтини ўзининг юксак сифати билан муносиб баҳоланмоқда. Кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир ва қимматбаҳо металллар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётгани, янги замонавий корхоналарнинг қурилишига туширилаётгани Навоий кон-металлургия комбинатининг улкан миқёсдаги тараққиёт ва юксалиши йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

Алоҳида таъкидлаш керакки, барчамизни мамнун этадиган бундай ютуқ ва натижаларга, аввало, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиши, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, энг асосийси, кўп миллатли комбинат жамоасининг фидокорона меҳнати, ишга профессионал ва ижодий ёндашуви, бунёдкорликка бўлган интилиши, ўз касбига садоқати ҳисобидан эришилмоқда.

Бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчиларининг, Навоий шахри, вилоятнинг шаҳар, қишлоқ ва овулларида яшаётган одамларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати тубайли ниманики яратилган ва яратилаётган бўлса, буларнинг барчаси келажакка ишонч билан қараш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш учун мустақкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айнан Навоий вилоятида мамлакатимизда биринчи бўлиб эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технология қувватларининг кенг тармоғини яратиш бўйича яқинда қабул қилинган қарор замирида ҳам аввало бу минтақанинг беқиёс имкониятлари, унинг ҳудудий ўрни, улкан меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш ва интеллект салоҳияти муҳассамдир.

Мен учун қадрдон бўлган Навоий кон-металлургия комбинатининг меҳнатда тоблган аҳил ва фидойий жамоасини, Навоий шахри аҳолини ушбу кутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга ўзимнинг юксак хурмат ва эҳтиромимни билдириб, барчангизга сийхат-саломатлик, иш фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда бахт ва омад, хондонларингизга файзу барақа тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Саҳрода яратилган мўъжизалар

Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг 50 йиллиги кенг нишонланмоқда

Бугун Қизилқум кенгликларига катта шодибона — саҳрода яратилган мўъжизалар — Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг 50 йиллиги тантанали нишонланмоқда.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан аталувчи бу шаҳар ва мамлакатимиз саноатида етакчи ўрин тутадиган йирик ишлаб чиқариш корхонаси — Навоий кон-металлургия комбинатининг ривожланиш тарихи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Бундан ярим аср илгари бепойн Қизилқум бағрида қад ростлаган мазкур қудратли ва кўп тармоқли ишлаб чиқариш мажмуаси, у билан бир вақтда пайдо бўлган бу замонавий шаҳар бугунги кунда том маънода халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти рамзига, фахру ифтихоримизга айланди.

Навоий кон-металлургия комбинати ўтган ярим аср мобайнида мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Худуди, имкониятлари йил сайин кенгайиб, ишлаб чиқариш салоҳияти юксалиб борди. Истиқлол йилларида, бутун юртимизда бўлганидек, Навоий шахрида ҳам кенг қўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар тубдан ўзгарди, янада гўзал ва кўркам қиёфа касб этди.

Бугун шаҳарда 130 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Турли миллат ва элз вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ ҳаёт кечириб, мамлакат тараққиётига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Шаҳарда ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари, замонавий таълим-тарбия, тиббиёт масканлари,

маданият-маиший иншоотлар фаолият кўрсатмоқда. «Фарход» ва «Ширин» маданият қонақоналари, «Ўзбекистон», «Наврўз», Алишер Навоий номидаги кинотеатрлар, «Дельфин», «Сўғдиёна» сингари спорт иншоотлари шаҳар кўрмига кўрк бағишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 июлда қабул қилинган «Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг 50 йиллиги таърихга кўриш ҳамда уни нишонлаш тўғрисида»ги қарори нафақат навқирон шаҳар аҳли ва комбинат меҳнат жамоаси, балки бутун вилоят аҳолиси, барча юртдошларимизни қувонтирди.

Мазкур қарор ижроси юзасида Навоий шахри ва бутун вилоят ҳудудида кенг қўламадаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эса вилоят, хусусан, Навоий шахрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада мустақкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологиялари жорий этиш, хоржий инвестицияларни жалб қилиш борасида янги имкониятларни очиб берди.

Навоий шахридаги «Фарход» маданият саройида 19 декабрь куни Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг 50 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Юбилей тантаналарига бағишланган

маросимни Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ва Навоий шахри аҳолисига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Р. Шамшиев ўқиб эшиттирди.

Юртбошимиз табригида таъкидланганидек, Навоий шахри ва Навоий кон-металлургия комбинатининг мураккаб синов ва машаққатларга, юксалиши ва ривожланиш босқичларига бой ярим асрлик тарихи мамлакатимизнинг тараққиёт йўли билан узвий боғлиқлик кетган.

Бу гўзал шаҳар ва йирик индустрия мажмуасининг бунёд этилиши ва тараққий топишида, ишлаб чиқариш аъёнларининг шаклланиши ва муносиб давом этирилишида минг-минглаб фидойи ватандошларимиз, олим ва мутахассислар, муҳандис ва бунёдкорларнинг фидокорона меҳнати муҳассам.

«Ешлар йили» Давлат дастури доирасида комбинат ёш мутахассислари учун Заркенг қўрғони ва Зарафшон шаҳрида учта кўп қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилди. Навоий шахрида умумтаълим мактаби, ёш оилалар учун 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли тураржой биноси, замонавий болалар спорт мажмуаси, Дашт-Нагорний каналнинг иккинчи навбати, марказий деҳқон бозорининг янги мажмуаси барпо этилди. Бир қанча йил ва кўчалар кенгайтирилди, ранго-ранг фаворалар майдон ва хибобларга янада кўрку тароват бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонию мувофиқ, Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ишлаб чиқариш илгорлари ва шаҳар фаоллари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Тантанали маросимда ана шу юксак мукофотлар топширилди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Қ. Санақулов, 5-кон бошқармаси бошлиғи Т. Рўзиев, комбинат лойиҳалаш бўлими бошлиғи В. Халитова, 1-гидрометаллургия заводи аппаратчилар бригадаси бошлиғи А. Бистроченко, меҳнат фахрийси Х. Мавлонов, Навоий давлат кончилик институти кафедра мудири Х. Раупов, Навоий кончилик коллежи талабаси, армрестлинг буйича жаҳон чемпиони Ш. Нуриддинов ва бошқалар Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг 50 йиллик тўйининг кенг нишонланиши бутун вилоят аҳолини янги-янги меҳнат зафарларига қорлашни қайд этиб, катта эълан-навоҳи билан юқорилик учун Юртбошимизга миннатдорлик изхор этдилар.

Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг 50 йиллигига бағишланган тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан янгулчанди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг 50 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш илфорлари ва шаҳар фаолларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг ер ости бойликларини ўзлаштириш, иқтисодий ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг халқаро нуфузини ошириш, кон-металлургия саноатини замонавий асосда ривожлантириш ҳамда Навоий шахрининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, меҳнатда эришяётган катта муваффақиятлари ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

Рўзиев Тохир Аҳмедович — Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-кон бошқармаси директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган курувчи»

Жўраев Тўракул Рамазонвич — Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармасининг 1-қурилиш участкаси бетончиси

Очилов Усмон Ҳакимович — Навоий шахридаги 10-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бош муҳандиси

Қўлга киритаётгани, миллатлараро дўстлик ва ҳамжihatликни мустақкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Заболотов Валерий Радионович — Навоий кон-металлургия комбинати «Мурунот» конининг бургулаш участкаси бошлиғи

Шарипов Абдурауф Убайдуллаевич — Навоий қурилиш бошқармасига қарашли 2-қурилиш-монтаж участкасининг электргаз пайвандчиси

Эшимов Баҳодир Саматович — Навоий кон-металлургия комбинати 2-Гидрометаллургия заводи таъмирловчи-чилангари

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Абдуллаев Бобоназар Нурбўтаевич — «Қизилқум-цемент» очиқ акциядорлик жамияти қуйдириш цехининг машинисти

(Давоми 2-бетда).

Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек, мустақиллик қўлга киритилган пайтдан бошлаб Ватан тақдирини ўйлайдиган, ўз мамлакатининг келажаги учун масъулият ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган ва қарорлар қабул қила оладиган юқори даражали профессионал кадрларга бўлган эҳтирминг қондириш устувор ва гоят муҳим вазифа этиб белгиланди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ана шунга асосланиб, 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Моҳиятан ва мазмунан ноёб бўлган бу Дастур асосида мамлакатимизда 12 йиллик умумий ва ўрта махсус таълимга ўтишди ҳамда ягона улусқис таълим тизими яратилди.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдда қабул қилинган «2004–2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий

дастури тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрда қабул қилинган «Урта махсус, касб-хўна таълимни муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2006 йил 16 февралда қабул қилинган «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, юқори даражали профессионал педагог кадрлар тайёр-

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси — барча халқлар ва давлатлар томонидан умумий эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлар эълон қилинган халқаро ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармонию мувофиқ, мамлакатимизда мана шу гоят муҳим универсал акт қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу йил 19 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ташқи сийбас масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда давлатнинг барқарор ривож топишида ёшлар ролини ошириш масалалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 200 дан ортиқ давлатнинг муассам иродасини ифодаловчи ҳуқуқий ҳужжат эканлиги кўрсатиб ўтиди. Унинг қондалида халқаро ҳуқуқ эволюцияси, бутун инсониятнинг ижтимоий тараққиётини инсонпарварлаштириш соҳасидаги устуқлари жамланган. Худди шу

нинг учун ҳам декларация глобал миқёсда инсон ҳуқуқларини қарор топтиришга ёрдам берадиган халқаро воситага айланди, давлатларнинг миллий қонунларини такомиллаштириш учун намуна вазифасини ўтамоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 360 тилга, шу жумладан, ўзбек тилига таржима қилинганлиги бу ҳужжат-

нинг универсаллигидан дарак бериб турибди. Бошқа биронта ҳам ҳужжат бу қадар кенг қамровли эмас.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан рўйга чиқариш жамиятнинг барқарорлигини ҳамда давлатнинг изчил ривожланишини таъминлайдиган муҳим омилдир. Конференцияда қайд этилганидек, сийбас ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларда ёшларнинг ролини ошириш ҳар қандай жамиятнинг келажаги учун алоҳида аҳамиятга эга.

Конференция иштирокчилари

(Давоми 2-бетда).

НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган ва Хоразм вилоятларидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари ҳамда Матбуот ва ахборот бошқармалари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятини либераллаштириш борасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар ва дастурлар қабул қилиниб, уларни бажариш бўйича муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда қонунни ижро этишда муассислар билан тахририят ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятлар баъзида бажарилмаётганлиги, айрим тахририятларнинг моддий-техника базасини

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ри Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларига риёя этилишини таъминлашга, халқаро нормалар ва стандартларни миллий қонунчилигимизга ва ҳуқуқий қўлаш амалиётига имплементация қилишга қаратилган кенг чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилганлигини таъкидладилар. Айнан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинган кундан кейин роса

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Навоий кон-металлургия комбинати ва навоий шахрининг 50 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш илфорлари ва шахар фаолларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Меҳнат шўхрати» ордени билан

Леонтьев Вячеслав Владимирович — Навоий кон-металлургия комбинати 1-геотехнология участка электромеханиги
Никитанов Виктор Викторович — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасининг 3-Гидрометаллургия заводи директори
Норов Насим Баракаевич — Навоий шахридаги «Хумо» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Сайдова Дилбар Хамидовна — Навоий кон-металлургия комбинати уй-жой коммунал бошқармаси бошлигининг ўринбосари
Умарова Салима Бахронова — Навоий вилоятдаги «Дўстлик байроғи» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари
Федулов Сергей Александрович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси темир йўл транспорти бошқармасининг тепловоз машинисти
Хотамов Шукрилла Рўзимуродович — Навоий кон-металлургия комбинати «Мурунтов» қони «Шарқ» участкасининг экскаватор машинисти

«Дўстлик» ордени билан

Душкин Анатолий Никифорович — Навоий шахри Рус миллий маданий маркази раиси
Ермеқбаев Бобқул Яхчиликочив — Навоий кон-металлургия комбинати геология бўлими бош геологининг гидрогеология бўйича ўринбосари
Коваленко Петр Владимирович — Навоий кон-металлургия комбинати назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика марказий лабораториясининг чилангар-таъмирловчиси
Норбоев Абдирахим — Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармасининг бургулаш ишлари участкаси бошлиғи

Рауфов Холмамат Рашидович — Навоий давлат қончилик институтининг ижтимоий фанлар кафедраси мудири
Тарасов Сергей Николаевич — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси «Давгизов» қонининг 5-қондан фойдаланиш участкаси экскаватор машинисти
Тўхтамишов Мияссар Музаффарович — «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи
Хаустова Валентина Владимировна — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий лойиҳалаш бюроси бошлиғи
Шлемова Ирина Владимировна — Навоий шахридаги «Оптин сув» республика сузиш марказининг спортчи-йўриқчиси

«Шўхрат» медали билан

Алимов Ахлиддин Шахриддинович — Навоий кон-металлургия комбинати бирлашган энергизмат таъмирлаш-фойдаланиш цехининг чилангари
Бўронов Музаффар Хамидович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг Эмульсион портловчи моддаларни тайёрлаш ва портлатиш ишлари участкаси портловчиси
Бистроченко Александр Михайлович — Навоий кон-металлургия комбинати 1-Гидрометаллургия заводи цехининг аппаратчиси
Ермаков Юрий Иванович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг «Мурунтов» қони марказий лабораторияси электромеханиги
Жумабаев Ибрагим Ережелович — Навоий шахридаги «Ишонч» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси
Иброҳимова Насиба Райимовна — Навоий шахридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси
Икромов Уктам Ҳазратович — Навоий иссиқлик электр станцияси очик акциядорлик жамияти бош муҳандисининг таъмирлаш ишлари бўйича ўринбосари

Исломов Луксияр Барноевич — Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармаси бургулаш ишлари участкасининг бургулаш қурилмаси машинисти
Кочугаев Александр Иванович — Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли кон ускуналарини таъмирлаш цехи бошлиғи
Маморова Насиба Хамидовна — Навоий шахридаги «Ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси
Мамурова Муҳайё Бобомуродовна — Навоий шахридаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси
Мударов Тимур Александрович — Навоий шахридаги «Тизол-Н» хусусий корхонаси бош директори
Набиев Константин Александрович — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасининг «Кокплатас» карьерни юкловчи-машинисти
Нуриддинов Шохрух Фафур ўғли — Навоий қончилик касб-хунар коллежининг 2-босқич талабаси
Раббимов Норбўта Жўракулович — Навоий кон-металлургия комбинати 1-Гидрометаллургия заводининг кон ва технология асбоб-ускуналарни таъмирлаш цехи электргаз пайвандчиси
Равшанов Қувондик Исмоилович — «Электромезавод» очик акциядорлик жамиятининг қимбўйи воситалар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш цехи бошлиғи
Раҳматов Исроил Қурбонович — Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари қасаба уюшмаси Кенгаши раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2008 йил 18 декабрь

И. КАРИМОВ

Навоий кон-металлургия комбинати ва навоий шахрининг 50 йиллиги тантаналарида иштирок этган юртдошларимиз ўз таассуротларини шундай изҳор этишди.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ ФАХРИ

Фархат Сойибов, Зарафшондаги 2-гидрометаллургия корхонасининг 4-цех бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони: — Оптин, уран ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида Юртбошимизнинг 2007-2012 йилларда НКМКда ишлаб чиқаришни техник ва технология жиҳатдан кайта жиҳозлаш ҳақидаги дастури тасдиқланган эди. Бу дастури ижро этиши, геология-қидирув ишларини ўтказиши ва хом ашё базасини кенгайтириши, йирик инвестицион лойиҳалар асосида ресурсларни теҳнаш имконини берадиган юқори самарали технологияларни татбиқ этиш амалдаги ишлаб чиқаришнинг кайта қурулганлиги йўли билан амалга оширилмоқда. Бу залварли ишларни эртанги мунаввар кунларнинг сарчасамаси, деб билмоқ керак.

Дил сўзи

Владимир Шамин, Учқуддадаги Шимолий кон бошқармаси директори: — Ишлаб чиқариш жараёнини интенсификация қилиш мақсадида инновацион технологиялардан тобора кенгрок фойдаланмоқдамиз. Шу мақсадда бир мартада 17-26 кубометр рудани орта оладиган гидравлик экскаваторлар қўлланилмоқда ҳамда 136-190 тонна қувватга эга самосваллардан фойдаланишга ўтилди. Айланма поток технологияси такомиллаштирилиши ҳисобига меҳнат унумдорлигини 1994 йилдагига нисбатан 1,4 баравар оширишга эришилди. Утқазилган тадқиқотлар ушбу технология хар томонлама самарали эканлигини амалда тасдиқлади. Пармалаш ишларида замонавий агрегатлар ҳамда тамомла янги портлаткичлар қўлланилиши таннархни 1,5-2 бараварга арзонлаштириш имконини берди. Биз бугунги байрамга ана шундай ютуқлар билан келганлигимиздан мамнунмиз.

Сулаймон Иноятлов, тарих фанлари доктори, профессор:

— Навоий шахрини барпо этиши, унинг қиёфасини ободонлаштиришда меъморлар ва лойиҳачиларнинг хизмати катта. Уларнинг уюшқоқлик билан қилган меҳнатлари боис лойиҳалаш муддатлари қисқартирилди. Мамлакатда биринчи бор Навоий шахри қурилишидан тўрт қаватли тураржойлар галереяси билан фойдаланиш режалари тузилди ва улар ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда маданий-маърифий муассасалар бинолари билан уйғунлаштирилди. Бугун шахарнинг гўзал кўча ва хибоблари, бекатлар, обод майдонлар, гулзори болғари қўйиб халқимизнинг азалий орзулари ушалаётганининг гувоҳи бўласиз.

Навоийликлар туғилиб ўсган масканларининг чирой очиб бораётганидан фар-ифтихорга тўлиб яшамоқдалар. Президентимиз Ислоом Каримов таъкидлаганларидек, «...Одamlарнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати туфайли нимаки яратилган ва яратилаётган бўлса, буларнинг барчаси келажакка ишонч билан қараши, мамлакатимиз тарқиқети ва халқимиз фаровонлигини ошириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилмоқда». ...Марказий Осиёда мафтункор бўлган Навоий шахри ва Навоий кон-металлургия комбинати Ватанимизнинг фахри, гурури ва ифтихори ҳисобланади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС



Йўллар мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис истиқлол йилларида юртимизда замонавий йўллар солиши, мавжудларини жаҳон андозалари даражасида таъмирлашга алоҳида эътибор бериб келинаётир.

Шу кунларда Фарғона водийсини пойтахтимиз билан боғлайдиган автомагистралда янги кўприк барпо этилмоқда. Бу кўприк ишга тушгач, Тошкентга қатновчи машиналарнинг Қўқон шахридан ўтишига эҳтиёж қолмайди, умумий масофа эса ўн беш километрга қисқаради.

Мазкур бунёдкорлик ишларига Фарғона водийсидаги ихтисослашган қурилиш ташкилотларининг барча техникалари жаб этилган. Асосий ишлар «Узавтоўл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Шарқий» халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш давлат корхонаси томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу кўприк ҳам юртимиз йўлларига ўзига хос чирой бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

СУРАТЛАРДА: йўл қурилишидан лавҳа. Автогайдер ҳайдовчиси Миродил Уроқбоев.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

яқшилашга етарлича эътибор берилмаётганиги ҳамда маҳаллий наشرларнинг электрон кўринишларини шакллантириш бора-бора ишларни жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди. Айни вақтда, газета ходимларининг малакасини оширишга, уларнинг ижодий фаолиятини бугунги кун талаблари асосида ташкил этишга зарурат қунайётганиги айтиб ўтилди.

Ингилиши якунида назорат-таҳлил чоғида аниқланган камчиликларини барта-раф этиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Шу кун бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси йиғилишида «Ахлоқ туза-тиш ишларининг жазо тури сифатида қўллани-ши самарадорли-ғи»ни ўрганиш бўйича ўтқазилган назорат-таҳлил якунлари муҳокама этилди. Тадбирда таъкидланган-

нидек, маҳкумларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг қўлланилиши натижасида улар оиласидан, жамиятдан ажратилмаган ҳолда назорат остига олинди ва қайта тарбияланди. Энг муҳими, маҳкумнинг қарамоғидаги фарзандлар ота-она тарбиясида четда қолмайди. Шу маънода жиноят содир этган шахсга бу жазо турининг тайинлиши жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатади.

Муҳокама чоғида мазкур жазо турини тайинлаш, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштиришда қонун талаблари ва одиллик мезонига риоя этилаётганиги алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, ахлоқ тузатиш жазосини тайинлаш бўйича суд амалиётиги янада такомиллаштириш, ички ишлар идораларининг бошқа давлат идоралари, ташкилотлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини янада яқшилаш, маҳкумлар ўртасида рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ҳамда жазо-

нинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини қўйайтиришга йўналтирилган тавсиялар берилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги ва «Маданий бойликларини олиб чиқилиши ва олиб килиши тўғрисида»ги қонунларнинг ижроси ҳамда қўмита қарорларининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бажарилишига бағишланган назорат-таҳлил йиғилиши ўтқазилди.

Йиғилишда қўмита қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан маданий мерос объектларининг аниқлаштирилган ва тўлдирилган рўйхати тузилгани қайд этилди. Мазкур рўйхатга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида 7570 та маданий

мерос объекти давлат қадастри рўйхатида киритилиб, давлат муҳофазасига олинган.

Анжуманда маданий мерос объектларининг ҳимоя чегаралари лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳофаза белгиларини ўрнатишни таъминлаш ва мониторингини қўйайтириш бўйича ижобий ўзағишлар қузилаётганиги ҳамда мамлакат миқёсида жами 1378 та маданий мерос объектига муҳофаза белгилари ўрнатилгани таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги фаолият янада жадаллаштириш лозимлиги ҳам уқтирилди.

Шундан сўнг қонунлар ижроси пайтада баъзи камчиликларга йўл қўйилганлиги эътибор қаратилди. Мисол учун, жойлардаги айрим раҳбарларнинг қонунлар моҳиятига тўла тушуниб етмаслиги ва эътиборсизлиги оқибатида тегишли қондаларга зид ҳаракатлар амалга оширилган. Шу туфайли йиғишда бундай ҳаракатлар бўйича хуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдиримомалар киритиш ва уларнинг ижроси устидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конференцияда бу масала таълим соҳасида юритилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги қайд этилди. Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтиди, Мактабга-ча таълим ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ўқув-услубий марказида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оши-

тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини қўйайтириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинлар. Шу кўннинг ўзида Тошкент шаҳридаги «Эски шаҳар» болалар ва ўсимлар ижодиёти марказида Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан истеъдодли ёшларни тарбиялашда болалар ижодиёти марказларининг ролига бағишланган давра суҳбати ўтқазилди.

Хозир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида 264 та бола-

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

риш институтларида хар йили ўрта ҳисобда 90 миң нафардан ортиқ халқ таълими тизимининг раҳбар ходимлари ва педагоглар ўз малакаларини оширмоқда. Бундан ташқари, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти тақдим этган маълумотларга қараганда, 1997-2007 йиллар мобайнида ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида ишлаётган 100 миң нафарга яқин халқ таълими тизими ходими ва педагог таълим муассасалари ҳузуридаги малака ошириш муассасаларида ўз билимини оширган.

Шу билан бирга, конференция иштирокчилари қайд этганидек, педагог кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳал қилиниши керак бўлган айрим масалалар бор. Хусусан, малака ошириш курсларининг мазмуни ва дастурларини илгор педагогика технологияларига мувофиқ тўхтосиз такомиллаштириб бориш, шунингдек, педагог кадрлар учун махсус адабиёт, ўқув ва услубий қўлланмалар яратиши зарур. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг масофадан туриб ўқитиш ва мустақил таълим олиш каби шакллари ташкил этишининг норматив-услубий асосларини вужудга келтириш талаб этилмоқда. Педагоглар малака ошириш жараёнида эгаллаган билим ва кўникмалар амалиётда қандай қўлланилаётганини мониторинг қилишини самарали тизимини йўлга қўйиш ҳам муҳимдир. Педагоглар малакасини ошириш муаммоларига доир илмий тадқиқотларни фаоллаштириш масалалари ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Конференция иштирокчилари билдирганидан тақлифларни ҳисобга олиб, педагог кадрлар тайёрлаш, уларни қайта

лар ижодиёти маркази иш олиб бормоқда. Бу эса мактабдан ташқари таълим муассасалари умумий сонининг деярли 47 фоизини ташкил этади. Уларда очилган тўғарақларда 500 миңдан ортиқ бола шуғулланмоқда.

Бутун мамлакат бўйича иш олиб бораётган олпита марказ — Республика ўқувчилар саройи, Республика ўқувчи ёшлар маркази, Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази, «Биоскопан» ўқув-услубий маркази, Республика ўқувчи ёшлар техника ижодиёти маркази, Республика болалар ижодиёти маркази — ёшларни баркамол, жисмонан соғлом ва юксак маънавиятли инсонлар қўйиш тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. Болалар ижодиёти марказлари ўз ишларида ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларини тўғарақлардаги машғулотларга жалб этишга алоҳида эътибор бераётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, давра суҳбати иштирокчилари болалар ижодиёти марказлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга қўқур ҳурмат руҳида тарбиялашда, навқирон авлоднинг турли истиқболли билим соҳаларига қизиқишини ривожлантиришда мактабдан ташқари таълим муассасалари, хусусан, болалар ижодиёти марказлари ўрнини янада мустақамлаш лозимлиги қайд этилди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(ЎЗА).

назоратни қўйайтириш лозимлиги тўғрисида тавсия берилди.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси Аграр, сув ҳўжалари масалалари ва экология қўмитасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси муҳокамага бағишланган йиғилиши ҳам ўтқазилди.

Унда, аввало, вилоятда сувдан умумий фойдаланиш ва сув танқислигининг олдини олиш бўйича ишчи гуруҳи тузилганиги, мазкур гуруҳ мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида сув танқислигини қамайтириш, сувдан мақсадли фойдаланишни ташкиллаштириш, сувга оид хуқуқий муносабатларни тартибга солишда яхши натижаларга эришиб келаётганиги эътироф этиб ўтилди.

Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан сув истеъмолчилари ўртасида тарғибот ишлари олиб борилаётганиги, сувдан фойдаланиш чоғида келиб чиқадиган низо-ларнинг олдини олиш мақсадида туманлар ва фермерлар ўртасида навбат билан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилганиги ижобий тажриба сифатида қайд этилди.

3. ХУДОЙШУҚУРОВ.

ДАВЛАТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бир ой ўтган қўшилган биринчи халқаро-хуқуқий ҳўжжат бўлди. Мамлакатимиз инсон хуқуқлари соҳасидаги 60 дан ортиқ халқаро ҳўжжат қатнашчиси бўлиб, ўзининг бу соҳадаги халқаро мажбуриятларини қўйиш билан бағиш келмоқда. 2008 йил 1 январдан қўлга кирган ўлим жазосини бекор қилишга, ҳибсга олиш санкциясини судларга беришга қаратилган қонун ҳўжжатлари бутун дунёда қатта қизиқиш уйғотди. Конференция қатнашчилари Ўзбекистонда аҳолининг асарияти қўйишнинг ташкил этиладиган ёшларнинг давлатни барқарор ривожлантиришдаги ҳамда инсон хуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини алоҳида қўрсатиб ўтилди.

Муҳокама асосида амалий рўхдаги тавсиялар баён этилди. Конференция ишида сенаторлар, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлисининг Инсон хуқуқлари бўйича вакили С. Ш. Рашидов, Инсон хуқуқлари бўйича миллий марказ экспертлари, хуқуқшунос олимлар, Тошкент давлат юридик институти магистрантлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎЗА).

ЖАҲОН

24 соат ичида

Қиш синовлари

АҚШнинг Невада штатидаги Лас-Вегас шаҳрида ёққан қор аҳолига бир қатор нуқулалликларни келтириб чиқарди.



Жумладан, кўчалар саккиз сантиметр қалинликда қор билан қопланганлиги боис машиналар қатновида муаммолар юзага келди. Бундан ташқари, кучли совуқ туфайли худуддаги мактаб ва аэропортлар фаолияти вақтинча тўхтатилди.

Об-ҳавони кузатиш мутахассисларининг маълумотиغا қараганда, Лас-Вегасда бундай вазият сўнги бор 1979 йилда кузатишган. Ушунда кўчалар 20 сантиметргача қалинликда қор билан қопланган эди.

Хунрезлик оқибати

Бағдод шарқида уч марта кучли портлаш содир бўлди.

«АР» ахборот агентлигининг хабар қилишича, портлашчи автомобилларга ўрнатиб кетилган экан. Хунрезлик оқибатида 18 киши қурбон бўлган, 52 киши турли дара-

жада тан жароҳати олган. Ироқ полицияси мазкур қўрувчилик ҳаракатлари маҳаллий йўл инспекциясига қарши амалга оширилганини таъкидлаган.

«Камаз»

фаолияти тўхтади

Юк машиналари ишлаб чиқарувчи Россиянинг «Камаз» очик акциядорлик жамияти 19 декабрдан бошлаб ўз фаолиятини вақтинча тўхтади, дея маълум қилди «Интерфакс» ахборот агентлиги.

Бунга қорхона махсулотлари бўлган талабнинг камайиб кетганлиги сабаб бўлган. Олдинроқ «Камаз» ОАЖ бош директори Сергей Когогин қорхона кейинги йилнинг январь ойида ишлаб чиқаришни тўхташи мумкинлигини айтганди.



Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Камаз» дунёдаги юк машиналари ишлаб чиқарувчи қорхоналар орасида 11-ўринда туради. Жорий йилда у 44,5 мингта автоулов тайёрлаган.

Пўлат тайёрлаш ҳажми камайди

Дунё пўлат ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси (WISA) маълумотларига кўра, жорий йилда дунё бўйича пўлат тайёрлаш ҳажми 19 фоизга камайган.



Мабдада айтилишича, ўтган 11 ой давомида 2007 йилнинг шу даврига нисбатан ушбу махсулотга бўлган талаб бор-йўғи 0,9 фоизга ошган. Шу боис Ҳамдустлик давлатлари миқёсида пўлат ишлаб чиқариш миқдори 43,1, Шимолий Америка ва Европа мамлакатларида 25 фоиз, АҚШда 17,8, Хитойда эса 12,4 фоизга қисқарган.

Мутахассислар бу салбий жараён жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқироз билан боғлиқ эканини айтишмоқда.

«Қора олтин» арзонлашмоқда

Нью-Йоркдаги «NYMEX» хом ашё биржасида ўтказилган сўнги савдолор чоғида «НПТ» типидagi бир баррел «қора олтин» 35,98 АҚШ долларига баҳоланди, дейилади «Reuters» ахборот агентлиги хабарига.

Кузатувчиларнинг фикрига кўра, нефть нархи бундан ҳам пасайиши мумкин. Бунга эса жаҳон миқёсида кузатилаётган молиявий инқироз сабаб бўлмоқда.



Таъкидлаб ўтамиз, Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) яқинда ташкил этилган йиғилишда бозордаги барқарорлиқни сақлаб қолиш учун углеводород қазиб олиш ҳажмини кунига 2,2 миллион баррелгача камайтирганди. Бироқ бу чора ҳам қадрсизланганини тўхтаб қолмаган.

Зарар миқдори — бир триллион доллар

Жорий йилда иқтисодий инқироз туфайли жаҳондаги йирик молия муассасалари бир триллион АҚШ доллари миқдорига зарар кўрди.



Ана шу маблағнинг 678 миллиарди АҚШдаги банклар ва суурта компаниялари ҳиссасига тўғри келди. Европа банклари эса 300 миллиард АҚШ доллари йўқотишган. Мазкур ташкилотларнинг фаолиятини барқарорлаштириш мақсадида эса 928 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ йўналтирилган. Шунингдек, муаммони бартараф этиш учун 39 минг нафар ходимни ишдан бўшатишга ҳам тўғри келган.

Бу «Bloomberg» агентлиги томонидан олиб борилган кузатишларга кўра маълум қилинди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жанубий Кореянинг етакчи нашрларидан бири — «The Korea Times» газетаси саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган мақола чоп этилди.

ХАЛҚ — ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЯҲОНА МАНБАИ

«1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президент Исломи Каримов бошчилигидаги конституциявий комиссия томонидан ҳолатда пухтали билан амалга оширилган саноат-ҳаракатларнинг самараси бўлди, — деб ёзади нашр. — Асосий Қонун конституциявий қурилишнинг прогрессив ғоялари, ўзбек давлатчилиги тараққиётининг демократик тамойиллари ва тарихий тажрибасини ўзида мужасамлаштирган. Ўзбекистон Конституцияси халқаро ташкилотлар ва дунёнинг етакчи демократик давлатлари томонидан юксак эътироф этилган.

Мақола давомида «The Korea Times» шундай ёзади: «Конституция мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Унда инсон,

унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олиқ кадрият сифатида белгиланган. Шунинг асосида Ўзбекистон Конституцияси фуқаролар, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни юридик жиҳатдан тартибга солиди».

Нашрда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни давлатнинг инсон ҳуқуқлари ва миллий суверенитет тамойилларига содиқлигини, унинг ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi масъулиятини, миллий давлатчилик тараққиётини тарихий тажрибаси, халқаро миқёсда эътироф этил-

ган юридик тамойиллар устуворлиги, мамлакат аҳолиси учун фаровон ҳаёт, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тинчлик-тотувликни таъминлаш, инсонпарвар, демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга бўлган иштирокини қайд этади.

«Конституциянинг асосий моҳияти шундан иборатки, — деб ёзади нашр, — халқ — давлат ҳокимиятининг ягона манбаи бўлиб, халқ хоҳиш-иродасининг вакили ҳисобланади, унинг манфаатларини ифода этади. Мазкур тамойил Асосий Қонуннинг ҳар бир бандида ўз ифодасини топган. Конститу-

ция қабул қилинган кундан бошлаб ўтган 16 йил мобайнида мамлакатнинг маънавий ва ижтимоий-сиёсий тараққиёти, иқтисодий ривожини, кўп мил-

латли Ўзбекистон жамиятидаги ҳар бир фуқаронининг муносиб ҳаётини таъминлаш учун юридик асослар яратилди».

«The Korea Times»да таъкидланишича, «Конституция кенг қамровли демократик конституциявий қурилиш тамойиллари тизими, демократия, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши, давлат суверенитети, Конституция ва қонунлар устуворлиги, сиёсий плюрализм, иқтисодий фаолият шакллари хилма-хиллиги, давлатнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ва Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига тўлиқ интеграциясини белгилаб

беради. Аҳамиятли жиҳати шундаки, кўп қиррали ислохотлар мамлакатда изчиллик билан ва босқичма-босқич тарада амалга оширилмоқда».

«2008 йилда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш борасида муҳим ва жиддий қадамлар қўйди. Жорий йилда Президент Исломи Каримов ташаббусига кўра қабул қилинган ўлим жаъсонни бекор қилиш ва қасоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини сулдарга ўтказишга йўналтирилган қонунлар қучга кирди. Давлат раҳбарининг 2008 йил 1 май кунини эълон қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистонда халқ фаровонлиги ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаши йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг яна бир ёрқин кўрсаткичи бўлди», дея яқун ясади «The Korea Times».

«Жаҳон» АА. Сеул

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН БАХТ

Избоскан туманидаги 12-умумтаълим мактабида 526 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Мактабнинг зукко, илмга қизиқувчан бу ўқувчилари турли фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, устозлар ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қурилган мактаб биноси яқин-яқингача ҳам таъмирталаб аҳволда эди. Давлатимизнинг ёшлар таълим-тарбиясига кўрсатаётган ғамхўрлиги натижасида мактаб қайта чирой очди. Энг асосийси, барча зарур шарт-шароитлар яратилган мазкур таълим маскани ўқувчиларнинг илм олишга бўлган қизиқиш ва интилишини янада ошираётди. Ёшлар фахр-ифтихори ила жаҳон андозаларига мос кўркам ўқув биносида илм олмоқдалар.



Ифтихор

Мархамат туманидаги 8-мактаб ҳам ўтган йили янгидан қурилди. Ушбу ўқув даргоҳи «Мархамат-112» М-Ж томонидан қуриб битказилди. Мактабда 180 нафар ўқувчи билим олмоқда. Мухташам спорт зали, ошхона, ахборот-ресурс маркази, тиббий ёрдам хонаси ҳамда фан кабинетлари зарур анжомлар билан тўлиқ жиҳозланганлиги диққатга сазовордир.

— Иштиқол туфайли фарзандларимиз ҳавас қилса арзиғулик таълим масканларида билим олмоқдалар, — дейди мактаб директори Насиба Сулаймонова. — Бундай юксак ғамхўрликнинг қадрига етадиган, келажак сари дудил интилишга қодир ёшларни камолга етказиш бизнинг асосий вази-

фамиздир. Зеро, эртамининг ҳақиқий эгалари теран таваққул соҳиб, юксак дунёқарашга эга билимдон ёшлар бўлмоғи керак.

Биз юқорида Избоскан, Мархамат туманларидаги билим масканлари ҳусусида сўз юритдик. Ҳолбуки, 2004-2007 йиллар мобайнида вилоят миқёсида 360 та таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 131 та ўқув даргоҳи мукамал таъмирланди, 2 та янги мактаб қурилиши ният қилинган.

Бугун вилоятда 746 та мактаб, 94 та касб-хунар коллежи, 11 та академик лицей фаолият кўрсатаётган бўлса, истиқболнинг 17 йиллиги арафасида улар сафига яна иккита янги мактаб биноси қўшилди. Бундан ташқари, 31 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 96 таси капитал, 15 таси жорий таъмирдан чиқарилди. Жойларда 1 та академик лицей ва 10 та касб-хунар коллежи биноси қуриб битказилди. Ушбу зиё масканларида эртанги кўнумиз эгалари, зукко ва истеъдодли ёшлар илму ҳунар эгалламоқдалар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда азим Тошкентнинг 2200 йиллигига тайёргарлик ишлари кенг қўламли давом этмоқда. Янги йил арафасида Тошкент майдонларида, кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. Ўза мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

ЯНГИ ЙИЛНИ ТОШКЕНТДА КУТАМИЗ

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

Комуто СУДЗУКИ (Япония): — Мамлакатимизга илк саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Мен Хива, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент каби мафтункор шаҳарларда бўлиб, дунёга машҳур тарихий обидлар, мейморий ёдгорликлар ва муқаддас қадимколларни зиёрат қилганимдан гоҳ мамнунман. Ўртингизнинг ҳар бир шохига хос сузғилиги билан аҳралиб туради. Муқтадиллик майдонидида амалга оширилган бетимсол ишларни ҳайрат билан томоша қилдим. Ушбу муқаддас майдонда болажонлар учун безатилган улкан арча эътиборини тортиди. Ўзга йил арафасида бу ерда болакайларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, ўйнаб-қулиши учун катта тайёргарлик қўрилганининг гувоҳи бўлдим. Мен 2009 йилни Тошкентда кўтиб олишни ният қилганман. Шу боис янги йил кечаси мен учун эрталабдангидек ўтишига ишончман.

Альберт БАРТ (Германия): — Ўзбекистонга иш юзасидан тез-тез келиб тураман. Ҳар келганимда бу заминнинг чиройидан ҳайратга тушаман. Тошкент шаҳрининг эса йиллик юбилейини нишонлашга астойдил ҳозирлик қилинганлигини хабарим бор. Шунингдек таъкидлашни истардимки, пойтахтингизда қад рўстлаган пурвиқор иншоотлар, жаҳон андозаларига мос замонавий меҳмонхоналар сони тобора кўпаймоқда. Уларда хизмат кўрсатиш ҳам юксак савияда ташкил этилган. Тошкент — эртакмонанд шаҳар. Шу боис бу ерга қайта-қайта келишим келаверади.

Ўртингизнинг асрлар мобайнида сайқаланган қадимий анъаналари ва урф-одатлари юксак гуманизми билан аҳралиб туради. Ўзбекларнинг меҳмондўст халқ экани дунёга маълум. Мен бунга ўзбекона тўйларда иштирок этиш орқали яна бир қарра амин бўлдим.

Пилар Гомес ДИАС (Испания): — Тошкентнинг чиройини кўриб, лол қолдим. Пойтахтингиз ҳақида кўп эшитган эдим. Бу ерга келиб, тасаввуримдан бир неча хисса мафтункорроқ диёрни кўрдим. Пойтахтингизнинг миллий ва замонавий мейморлик анъаналарини ўзида уйғунлаштирган иншоотлари, тарихий обидалари, файзли маҳаллалари ва сўлим гушалари, тўқин бозорлари, шунингдек, ғўзал ва тароватли табиати ҳар қандай сайёҳни мафтун этади.

Биз оиламиз билан янги йилни Ўзбекистонда, Тошкентда кўтиб олишга қарор қилдик ва бу қароримиздан гоҳда бахтиёримиз. Ушбу ажиб диёрдаги осуда ва тўқин ҳаётга чин дилдан ҳавасимиз келди.

Абдурахмон ал-ХОМИДИЙ (Қувейт): — Ўтган йили «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида иштирок этиш асосида рўйи замин сайқали — қадим ва ҳамisha навқирон Самарқандни ҳамда азим Тошкентни кўриш бахтига муюсар бўлган эдим. Бу гал ҳам пойтахтингизнинг бетакор тароватидан завқланганман. Тошкентнинг жаҳонро шўхрати тобора юксалиб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

«Шарқ дарвозаси» деб ном олган Тошкентда амалга оширилган ишлар мени ҳайратда қолдирди. Кўплаб янги мухташам иншоотлар, осмонлар бинолар, мухташам кўприклар бунёд этилиб, йўллар янада кенгайтирилганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, янгидан қад рўстлаган, нафис санъат намуналарини ўзида акс эттирган Ҳазрати Имом мажмуи менда унутилмас таассурот қолдирди. Ушбу янгилинишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, таваққул қудрати, истеъдод ва маҳоратининг яна бир намоёнидир.

Ўза мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА баиб олди.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали ЧИЛОНЗОР ТЕЛЕФОН БОҒЛАМАСИ

кириб келаётган Янги 2009 йил билан пойтахтимиз аҳолисини муборакбод этиб, куйидаги манзиллар бўйича фуқаролар ва қорхоналарни телефон ўрнатиш учун таклиф қилади:

Шайхонтоҳур тумани Мужрим Обид кўчаси, Самарқанд дарвоза кўчаси: 202/1/2/3/4, 28-уйлар, 1, 2, 3, 4-тор кўчаларидаги уйлар. С. Вургун кўчаси: 1, 11, 22, 23, 8, 57-уйлар.

Чилонзор тумани Қурилиш, Тохир, Зухра кўчаларидаги уйлар. Чилонзор мавзеси, 7-даҳа: 18 А, 18 Б, 18 В, 18 Г,

18, 19, 20, 45 Б, 23-уйлар. Чилонзор мавзеси, 2-даҳа: 47, 48, 49, 50, 52, 53, 54-уйлар. Чилонзор мавзеси, 19-даҳа: 3, 4, 5, 30, 32, 47, 53, 54, 55, 57-уйлар. Чилонзор мавзеси, 17-даҳа: 3, 8, 9, 10 А, 18, 38, 36, 37, 30, 31, 32, 33-уйлар. Машраб ва Богобод кўчаларидаги уйлар.

Учтепа тумани Чилонзор мавзеси, 13-даҳа: 45, 46-уйлар.

Ҳужжатларни расмийлаштириш истагидагилар Чилонзор телефон боғламасининг миждозларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўлимига мувожабат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор мавзеси, 3-даҳа, 46-уй. Иш вақти: ҳар кун соат 8.00 дан 17.00 гача, шанба кун соат 8.00 дан 16.00 гача. Маълумот учун телефонлар: 277-97-37, 277-97-07.

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner HYUNDAI Tel. 250-11-11

КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Банкрот-қорхона — «Оқ сарой тўқимачи» ЛТД ҚҚнинг мулки (СТИР 202066583, ҳуқуқий манзили: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 44-уй) кредиторлар умумий йиғилишининг 2008 йил 4 декабрдаги 10-сонли қарорига асосан Қашқадарё вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 10 декабрь кунини қабул қилган 18-0702/1104-сонли ажрими билан ТИФ Миллий банки мулкига ўтказилган.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Банкрот-қорхоналарни аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига сотиш тартиби»га асосан олиб борилади.

Маълумот учун телефон: (8-375) 522-87-35. Факс: (8-375) 522-81-85.

«Саноатконттехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси кимёвий, бактериологик қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги конвенциянинг ижросини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Ботир Мусаевга турмуш ўртоғи Людмила МУСАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзнефтьгазчиқариш» АК «Нефтьгазчиқариш-вижининг» унитар шўъба қорхонаси жамоаси қорхона бошлиғи Раҳимжон Астановга волида муҳтарамаси САНОВАР аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Спорт • Sport • Спорт

Асосий учрашувлар олдидан

Маълумки, 2009 йилда Миржалол Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари бир қатор муҳим учрашувлар ўтказишди.

Жумладан, футболчиларимиз 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати ва 2011 йилги Осиё чемпионати халқ килувчи саралаш учрашувларида майдонга тушадилар.

Осиё чемпионати саралаш босқичининг биринчи ўйини 28 январь кuni Бирлашган Араб Амириклари терма жамоасига қарши ўтказилади. Кунин кеча 25 нафар ўйинчидан иборат терма жамоаси аъзолари ўқув-йиғин машғулотида қатнашиш учун Исроил давлатига жўнаб кетди. 29 декабрда бўладиган йиғинда унча назорат ўйини ўтказиш режалаштирилган. Шундан сўнг хамюртларимиз келгуси йилнинг 5-18 январь кунлари Туркияда машғулотларни давом эттиришди. Бу ерда улар бешта ўртоқлик учрашувларида майдонга тушадилар.

Кучлар тенг келди

Россиянинг Элиста шаҳрида ўтказилган Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕнинг Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда бешинчи тур учрашувлари ортада қолди.



Кейинги икки ўйинда муваффақиятсизликка учраган хамюртларимиз Рустам Қосимжонов бешинчи турда озарбойжонлик Шахриёр Мамадиевга қарши донна суриб, дуранг натижага эришди.

Бешинчи турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: Петер Лекко (Венгрия) — Теймур Ражабов (Озарбойжон) 0,5 : 0,5, Дмитрий Яковенко (Россия) — Этен

Бакро (Франция) 0,5 : 0,5, Эрнесто Инаркиев (Россия) — Иван Чепаринов (Болгария) 0:1, Вугар Гашимов (Озарбойжон) — Александр Гришчук (Россия) 1:0, Павел Элянов (Украина) — Владимир Аюпян (Арманистон) 0,5:0,5, Евгений Алексеев (Россия) — Ван Юэ (Хитой) 0,5:0,5.

Рустам Қосимжонов олтинчи турда хитойлик Ван Юэга қарши донна суради.

Авал хабар берганимиздек, Тошкентдаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида катталар ва ёшлар ўртасида тазквондо (ITF) бўйича "Ўзбекистон тазквондочилари гиёҳвандликка қарши" шiori остида Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Гулистонда халқаро турнир

Гулистонда армрестлинг бўйича халқаро турнир якунланди.

40 нафар энг кучли армрестлинг усталари қатнашган мазкур мусобақада хамюртларимиз Бобур Бежонов (90 кг.) ва кўп қара жаҳон чемпиони Умид Аҳмедов (100 кг)лар голиб чиқишди.

Кубок эгаллари маълум

У Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон тазквондо (ITF) миллий ассоциацияси, Шарқ яққурашлари ва жанг санъати республика маркази хамкорлигида ташкил этилди.

Тилъ беллашувларида Анджион вилояти спортчилари биринчи, Фаргона вилояти жамоаси иккинчи, Тошкент шаҳри тазквондочилари эса учинчи ўриндан жой олишди.

Массоги бахсларида Жиззах вилояти терма жамоасига тенг келадигани топилмади. Иккинчи ўрин Самарқанд, учинчи ўрин эса Сирдарё вилояти жамоасига насиб этди.

Кўрғазмили чиқиш бахсларида Бухоро вилояти жамоаси голиб бўлди. Кейинги совринли ўринлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилояти вакилларига насиб этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Китоб инсоннинг доимий хамроҳи, ақл чироғи

Хисобланади. Унга дўст тутинган одам ҳеч қачон ютқазмайди. Инсон миллий ва жаҳон адабиёти хазиналаридан қанча кўп баҳраманд бўлса, дунёқараши шунчалик кенгайиб, маънавияти юксалади.



Хазина

Ана шу боис мустақиллик йиллари юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, 2006 йил 20 июнда Ўртбошимизнинг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Вилоятимизда мазкур ҳужжат асосида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базаси замонавий технологиялар билан бойитилди. Хусусан, бизнинг юз йилча

ТАФАККУР ДУРДОНАСИ

бурун Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Фулом Зафарий, Шокирхон Раҳимий сингари маърифатпарварларимиз томонидан асос солинган марказимиз фаолияти ҳам тубдан яхшиланди. Унинг ўз веб-сайти яратилиб, "Турон дурдоналари" веб-сайти қайта тикланди. Мижозларга хизмат кўрсатиш учун шохобчамиз Ziyonet тармоғига уланди.

Ҳозир марказимизда 381552 нусхали ахборот-кутубхона ҳужжатлари жамғармаси, жами 919 та

ёзув киритилган "Миллий матбуот саҳифаларида", "Ўзбекистоннинг таниқли адабиёт, фан ва маданият арбоблари" номли библиографик маълумотлар захиралари, ИРБИС тизими негизидagi электрон каталогдан ўрин олган адабиётларга тааллуқли 18 мингдан ортик ёзувга эга манба мавжуд. Бундан

миз эҳтиёжини қондиришда унумли фойдаланаямиз. Вилоятимиз ва пойтахтимизда яшовчи китобхонларга, тадқиқотчи олимлар, тадбиркорлар ва талабаларга хизмат кўрсатаймиз. Масканимизда мавжуд ҳужжатлар жамғармасини тарғиби қилиш ниятида турли-туман кўрғазмалар, давра суҳ-

дастури, "Меъёр" ахборот кидирув тизимида ишлаш, "PowerPoint" офис дастурида электрон китоб кўрғазмаси яратиш бўйича маслаҳатлар бериб, амалий машғулотлар ташкил этдик. Унча услубий-библиографик қўлланма яратиб, "Энг яхши ахборот-ресурс маркази" танловининг вилоят босқичи-

ри кутубхоналари ходимларига соҳамиз ишининг муҳим жиҳатларини, электрон нашрлар ҳисобини юритиш йўл-йўриқларини ўргатдик. Бешта ҳарбий қисмдаги кутубхоналар фаолиятини атрофлича ўрганиб, камчилик-нуқсонларни бартараф қилишга ёрдамлашдик. Уларни республика болалар кутубхонасининг иш тажрибаси билан яқиндан таништирдик. Ёш аскарларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш борасидаги тадбирлар ўтказишни доимий аънавага айлантирдик.

Шубҳасиз, бу ишларимиз халқимиз маънавиятини юксалтиришга, айниқса, баркамол авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани. Уларни дунёвий билимларни тобора чуқурроқ ўзлаштиришга, келажақда аждодларимиз ишини изчил давом эттирувчи муносиб ворислар бўлиб етишишга ундаяпти.

Вазира СОБИРОВА, Тошкент вилояти «Турон» ахборот-кутубхона маркази директори.

ЛАҲЗАЛИК «ОВУНЧОҚ»НИНГ ХАВФЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Қалбларга қувонч олиб келувчи Янги йил байрами тобора яқинлашмоқда. Пойтахтда бошланган байрам шуқуҳи аллақачон олис қишлоқларгача етиб борган. Айниқса, болажонларнинг шодлиғи кексиз. Чунки бу байрамда мурғак қалблар ўзларини худди эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этишади.

Тинч юртга байрамлар ярашади, деб бежиз айтишмаган. Мамлакатимизда ҳукм сураётган осийишта ҳаёт туйғайли биз мана шундай шодийна кунларни кенг сайил тарзида, бирдамликда нишонлаяпмиз. Аммо ҳар йили шу кўтаринки дамларда киши дилини хира қиладиган ҳолатлар ҳам учрайдики, бу кулқони қоматта келтирувчи турли-туман пақидоқ "ўйинқоқлар" билан боғлиқ вазиятлардир.

Пиротехника воситаларининг оғир оқибатлари, айниқса, болалар учун катта хавф-хатарни ҳақида бот-бот гапирилади. Шундай бўлса-да, айрим сохта тадбиркорлар мўмай даромад топиш илинжида ана шу зарарли маҳсулотларни хуфиёна йўллар билан олиб киришга уринишаётгани ачинарлидир. Устига-устак, уни "ўйинқоқ" дея фарзандига тўғра қилаётган айрим ота-оналарни қандай тушуниш мумкин? Улар бу восита жигаргўшасига ҳушқайфият эмас, балки озор етказишни жабр тортишгагина билишмоқда.

Пиротехника воситаларининг юртимиз бозорларига кириб келишини олдинчи олиш мақсадида зарур чоралар кўрилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси катта муҳандиси Даврон Қамбаров. — Шу мақсадда ёнгин хавфсизлиги ходимлари, ички ишлар идоралари, давлат солиқ инспекцияси, маҳаллий ҳокимлик,

маҳалла ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат 219 та гуруҳ тузилган. Улар томонидан ҳозиргача 4096 марта рейд ўтказилди. Натижада кучли шовқин чикарувчи 68 минг қутидан зиёд "петард" портловчи воситаси, 40 мингдан зиёд мушак ва бошқа турдаги пиротехника воситалари му-

Огоҳлик

содара қилинди. Биргина мисол. Ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар давомида Жиззах вилояти, "Арносо" туман сув хавзаси ҳудудида жойлашган божона постида Самарқанд туманида туғилган, айна пайтда Жиззах туманида истиқомат қилувчи А. исмли фуқаро томонидан ноқонуний равишда 7080 қути "тренинг" номли пиротехника маҳсулоти олиб келинаётганда ушланган. Ушбу ҳолат юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман ИИБга тақдим этилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

— Янги йил байрами арафасида портловчи ўйинқоқлар билан ўйнаб, тан жароҳати олган беморлар ҳам бизга мурожаат қилишади, — дейди Республика Шошилин тез тиббий ёрдам илмий маркази директори ўринбосари Баҳодир Мағрулов. — Ачинарлиси, бундай аянчли оқибатлар кўпроқ болаларда кузатилади. Қўл, оёқ, юз, кўз



қисмларида қайд қилинган жароҳатларнинг баъзилари, ҳатто, бир умрга тузатиб бўлмайдиган оғир асоратларни ҳам қолдиради. Албатта, шифокорларимиз уларни даволаш учун зарур чоралар кўришади. Лекин ўйлаб қолсан киши. Наҳотки, ота-оналар фарзандларига шуни раво кўришса? Наҳотки, уларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолиши хаёлларига келмасми?

— Пиротехника воситаларининг бир қутисини уч-тўрт минг сўмга сотиб олиб, фарзандига совға қиладиганларни эшитганимда, ажабланаман, — дейди Зангиота туманида яшовчи Дилбар Маҳмудова. — Ўйлаб кўринг, шу маблагга болалар учун китоб олиб берилса, фойдали эмасми? Бу орқали улар ҳам фалокатдан асраб қолинади, ҳам маънавий озуқа олади. Бизнингча, фарзандининг келажаги ҳақида қайғурадиган ҳар бир ота-она шундай йўл тутгани маъқул.

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Билиб қўйган яхши

Ҳар нарсанинг меъёри бор

— Чойни жуда кўп ичман. Айтнинг-чи, бунинг зарари йўқми?

Мирзаполков ҚАЛАНДАРОВ, меҳнат фаҳрийси, Қўқон шаҳри

— Ҳар нарсанинг ўз меъёри бор. Шундан келиб чиқиб айтганим бўлса, чойни жуда кўп истеъмол қилишининг яхши эмас. Чунки бу ичимлик таркибида кофеин алкалоиди мавжуд бўлиб, у баъзи ҳолларда киши соғлиғи учун зиён келтириши ҳам мумкин. Масалан, қора чойни олайлик. Бу турдаги чой уйқусизлик, хафакон, атеросклероз касалликларини билан оғриганлар, шунингдек, кўз босимига йўлиққанлар ва марказий асаб тизими тез қўзғалувчиларга тавсия этилмайди. Қора чойга ружу қўйиш киши

билмас хафакон хасталиғига ҳам гирифтор қилиши мумкин. Таркибида кофеин мавжуд бўлган ичимликларни кўпинча мия қон томирлари торайганда истеъмол қилиш мақсадага мувофиқ. Хусусан, чойдан ташқари қаҳва уруғи ва қола ёнғоғи таркибида ҳам кофеин алкалоиди бор. Қаҳва оз миқдорда юрак фаолиятини яхшилайди, руҳий таъсир ёки жисмоний зарба натижасида содир бўладиган таназзул ҳолатида (шок ҳолатида) беморнинг қон босимини кўтарди, пешоб ажралишини кучайтиради.

Асабни асранг

— Каттик кўрқув қанди диабет касаллигини келтириб чиқариши мумкин деб ўхшатман. Бу гап ҳақиқатта қанчалик яқин?

Ортиқов ФАЙЗИЁВ, Тошкент шаҳри

— Одатда бу хасталик ошқозоноти бези фаолиятининг бузилиши, жумладан, яллиғланиши, қон томирларига шикаст етиши, жароҳатланиши ва юқумли касалликлардан сўнг юзага келади. Озиқ-овқатларни меъридан ортиқча истеъмол қилиш, ширинликларга муқасидан кетиш ҳам қандли диабетни келтириб чиқарувчи омиллардандир. Қолаверса, хасталикнинг пайдо бўлишида ирсият ҳам муҳим роль ўйнайди.

Агар саволингизга эътибор қиладиган бўлса, чиндан ҳам оғир изтиробли кечинмалар, асабийлашиш қандли диабетга мубало қилиши мумкин. Шунинг учун асаби таранг кимсаларнинг шифокор кўригидан ўтиб туришлари тавсия қилинади.

Эҳтиёткорлик билан бажаринг

— Боламда тез-тез тутқаноқ хуруж қилиб туради. Шундай пайтда саросимага тушиб, нима қилишимизни билмай қоламиз. Хуруж вақтида болага ёрдам берадиган бирор амал борми?

Олия ОЛЧИНОВА, Фориш тумани

— Бу борада халқ таъбаоти билимдони Г. Н. Ужеров тутқаноқ тутганда куйидаги оддий амали тавсия этади: тутқаноқ бошланишидан олдин

беморнинг чап қўлини пол сагга қўйиб, унинг чимчилоғи оёқ билан охишта босилади. Шундай қилинса хуруж енгил ўтади.

Соғлом она — соғлом фарзанд

— Келиним ҳомиласини йўқотди. Тажрибасизлик қилиб, уни асраб қоламадик. Ҳомилани сақлаб қолишининг чораси бормиди?

Ж. ХОЛДОРОВА, Навоий вилояти

— Она қорнида ҳомиланинг бир меъёрада ўсиши учун қуйидаги амалларга эътибор қаратиш фойдадан ҳоли бўлмайди: Ҳар кун қанда қилмай сабиниш "қизил мизройи", "нант", "мушак" навидан тайёрланган шербатдан, исмаилоқ ҳамда бўлғор қалампирининг шербатидан эса навбатма-навбат ичиб турилади. Шунингдек, С ва Е белгилли дармондорилардан истеъмол қилиб туриш ҳам фойдалидир.

Момақаймоқ, ялғиз ва баргизуб гиёҳларининг ер устки қисмидан тенг миқдорда олиниб, майдаланган ҳолда аралаштирилади. Тайёр бўлган аралашмадан уч ош қошиги 2 стакан қайноқ сувга қўшилади ва момақаймоқ, чачалабош (андиз) илдизи ҳамда итжумрут (крушина) пўстлогидан тенг миқдорда олиб тайёрланган қайнатмага аралаштирилади. Ҳосил қилинган аралашмадан ярим ош қошиғига 2 стакан сувга солиниб, ундан муттасил равишда ярим стакандан 4-5 маҳал ичиб турилади. Ун қуллик та-наффусдан сўнг бу амал такрорлаб турилади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос. Аскар СОДИҚОВ, тиббиёт фанлари доктори.

UCelldan Muloqot bayrami!

Atigi 20 sent!?

UCelldan Prepaid abonentlari uchun "Yakshanba bonusu" xizmati

Hafta davomida bemaolol so'zlashing va yakshanba kuni UCelldagi do'stlaringiz bilan so'zlashish uchun qo'shimcha daqiqalarga ega bo'ling. Ko'proq so'zlashganingiz sari yakshanbada so'zlashish uchun bepul daqiqalar ham ortib boradi.

Xizmatga ulanish uchun "1" ni USSD so'rov orqali 1112 raqamiga yuboring (*1112*1#) va hafta davomida - dushanbadan shanbagacha bemaolol so'zlashing, barcha so'zlashing "pullik" daqiqalaringiz sizga yakshanbada so'zlashish uchun tarmoq ichidagi bepul daqiqalar sifatida taqdim etiladi.

Xizmat narxi haftasiga \$0.20.

Bonus daqiqalaringiz amal qilish muddati: yakshanba kuni soat 00:00 dan 23:59 gacha. Mazkur muddat tugaganidan so'ng foydalanilmagan daqiqalar bekor qilinadi.



Yanada Ko'prog'ini Kuting

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпшов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — Ю. Буранов. Мусаҳҳаф — Ҳ. Тохмуҳаммадов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.10